



# O'zbekiston Ovozi

№46  
2024-yil  
13-noyabr, chorshanba  
1918-yil  
21-iyundan chiqq boshlagan



Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЕВРОКЕНГАШ РАҲБАРИ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган иқлим бўйича саммит доирасида Европа кенгаши Раиси Шарль Мишель билан учрашди.

Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тез фурсатда қабул қилиш, шунингдек, "Марказий Осиё - Европа Иттифоқи" форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган COP29 саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашув ўтказди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий ва парламентларо алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш учун металлургия, электротехника, кимё, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди.

Шу маънода, 2025 йил январь ойида Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим ва экология соҳасидаги алмашувларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи учун Траст жамғармаси фаолиятида Финляндиянинг фаол иштирок этиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЧЕРНОГОРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Боку шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича COP29 конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Черногория Президенти Яков Милатович билан учрашув ўтказди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий кун тартибини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида бизнес форуми билан биргаликда ўтказиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича асосий битимлар тайёрланади, устувор йўналишларда саноат кооперациясини ривожлантиришга доир "йўл харитаси" ишлаб чиқилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

2 САҲИФАДА



## ҲАР БИР ИНСОН МУҲИМ!

**ДУНЁ ШИТОБ БИЛАН  
ЎЗГАРИБ БОРМОҚДА.  
ХАЛҚНИНГ ОЗОД ВА ФАРОВОН  
ҲАЁТИНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА  
СОБИТҚАДАМ ДАВЛАТ  
БОРКИ, БУНДАЙ ШИДДАТЛИ  
ЗАМОН СИЛСИЛАСИДА  
ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ  
БЎХРОНЛАР ОҚИБАТЛАРИНИ  
ЮМШАТИШ, ХАЛҚАРО  
МАЙДОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ  
ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ,  
ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАМДА  
ИЖТИМОЙ АДОЛАТ  
ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЖАДАЛ  
СУРЪАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА  
ИНТИЛАЁТИР. ШУ БИЛАН  
БИРГА, ИНСОНИАТ УЧУН ҲАЁТ-  
МАМОТ МАСАЛАСИГА АЙЛАНИБ  
БОРАЁТГАН ЖИДДИЙ ХАТАР  
– ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ  
ТАЪСИРИ ВА ХАВФЛАРИНИ  
МИНИМАЛЛАШТИРИШ УЧУН БЕЛ  
БОҒЛАБ КУРАШМОҚДА.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ижтимоий ривожланиш комиссияси томонидан сентябрь ойида эълон қилинган "2024-2026 йилларда жаҳондаги ижтимоий ҳимоя" ҳисоботида келтирилишича, сайёрамиздаги турли инқирозлар кўплаб давлатларнинг ижтимоий сиёсати сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Дунё аҳолисининг яримдан кўпи, яъни, 52,4 фоизи ижтимоий ҳимоянинг у ёки бу тури билан қамраб олинган бўлса-да, айни пайтда 3,8 млрд одам давлат кафолатлаши керак бўлган ижтимоий кўмаклардан бебаҳра қолаётгани ҳам ҳақиқат.

"Ижтимоий ҳимоя иқлим ўзгаришларига мослашнинг асоси ҳисобланади, чунки у қашшоқликка қарши курашиш, ижтимоий инклюзивликни рағбатлантириш ва тенгсизликни камайтириш орқали инсонлар ҳаётини энгиллаштиради", дейилади мазкур ҳисоботда.

Дарвоқе, халқаро экспертларнинг ўрганишича, ҳозирда дунёда юқори даромадли мамлакатлар (85,9 фоизи)да ижтимоий ислохотлар сулғашган бўлса, ўрта (71,2 фоиз) ва ундан паст даромадли (32,4 фоиз) давлатлар бу соҳада мавжуд бўшлиқларни тўлдирришда сезиларли ютуқларга эришмоқдалар. Умуман олганда, 2015 йилдан буён жаҳон миқёсида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш 26,7 фоиздан 37,3 фоизга кўтарилган.

7

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партия рўйхати ҳамда бир мандатли сайлов округлари бўйича сайланганлар

4-6 саҳифаларда

## "МЕН ДЕПУТАТ БЎЛДИМ..."



Аиша РУИДДИНОВА,  
Бектемир туман Кенгашига  
18-Баркамол сайлов округидан  
сайланган депутат:

– Ёшлигимдан сиёсатга қизиқардим. Катта минбарларда туриб гапирётган сиёсатчиларга ҳавас қилардим. Бу қизиқиш мени журналистика томон етаклади. Бир неча йилдан буён "Менинг юртим" телеканалда фаолият юритаман. Журналистик фаолиятимда ижтимоий-сиёсий соҳани кўпроқ ёритдим.

3



### МУНОСАБАТ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДА ТАШАБУС КЎРСАТМОҚДА

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ 5-6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ҚЎШНИ ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИШКЕК ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТАДБИРЛАРИНИ ДИҚҚАТ БИЛАН КУЗАТДИ. МАЗКУР НУФУЗЛИ ТАДБИРДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ ВА НУТҚ СЎЗЛАДИ.

8



## ОКТАБРЬ ОЙИДА ГЎШТ ВА СУТ НАРХИ КЕСКИН ОШДИ

МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА, ЖОРИЙ ЙИЛ ОКТАБРЬ ОЙИДА АҲОЛИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (ШАҲСИЙ) ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ ЯНА 0,2 ФОИЗ ДАРАЖАГА, ЯЪНИ, 13,2 ФОИЗГАЧА КАМАЙГАН. БУ КЎРСАТКИЧ ЎТГАН ОЙДАГИ 10,24 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН РАСМИЙ ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИДАН ЮҚОРИДИР.

8 САҲИФАДА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЕТТБ РАҲБАРИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА КИЛДИЛАР

12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган COP29 саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашув ўтказди.

Ушбу нуфузли халқаро молия институтининг кенг қамровли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Банкнинг мамлакатимизга инвестициялари 5 миллиард евродан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақамиздаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

ЕТТБнинг фаол иштирокида банк секторини хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, инвестициялар ва ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш муҳимлиги таъкидланди. Энергетика самарадорлиги, кичик ва ўрта бизнес, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмада давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, шунингдек, "яшил" шаҳарларни ривожлантириш соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Келгуси йилда Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашди.

Ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислом тараққиёт банки билан шериклик жадал ривожланиб бораётганини юқори баҳолади. Жорий йилнинг март ойида Тошкентда ислом дунёсининг етакчи молия институтлари иштирокида банк раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

ИТБ билан лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди, уларнинг 40 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Банк иштирокида ташкил этилган Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма жамғарма капитали изчил шакллантирилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, тадбиркорлик, экология соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, хусусий инвестицияларни сафарбар этиш, банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз саноати ва тоғ-кон тармоғидаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ИТБнинг иштироки юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯШИЛ ИҚЛИМ ФОНДИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига амалий ташриф доирасида Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафалда Дуэртени қабул қилди.

Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Жамғарма томонидан Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари салоҳиятини ривожлантириш ва миллий мослашув режаларини ишлаб чиқишга кўмак кўрсатилаётгани юқори баҳоланди.

Ҳозирги кунда қўшма лойиҳалар портфели 160 миллион долларни ташкил этиб, сув ресурсларини бошқариш, "яшил" энергетикани ривожлантириш, "яшил" молиялаштириш ва бошқа бир қатор устувор йўналишларни қамраб олган. Бундан ташқари, 5 миллиард долларлик иккита минтақавий ва 500 миллион долларлик учта миллий лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Инновацион кўкаламзорлаштириш ва ерларни барқарор бошқариш, Оролбўйидаги ижтимоий-экологик вазиятни яхшилаш дастурларини амалга ошириш орқали шерикликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ICESCO БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бокудаги иқлим саммити доирасида Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма гуманитар лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

ICESCO билан ҳамкорлик бўйича миллий комиссияни тезроқ тузиш муҳимлиги қайд этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИ, ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ИНСТИТУТИ РАИСИ ТОНИ БЛЭР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрида Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон — Британия муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, Тони Блэр раҳбарлик қилаётган Глобал ўзгаришлар институти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Собиқ Бош вазир Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва ортага қайтмас ислохотлар дастурини юксак баҳолаб, уларни амалга оширишда эксперт-маслаҳат кўмагини таклиф этишга тайёрлигини билдирди.

Институт билан биргаликда транспорт йўлакларини ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, халқаро тўлов тизимларини жорий этиш, инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш ва бошқа соҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шерикликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш учун тегишли идоралар экспертлари даражасида қўшимча учрашувлар ўтказишга келишиб олинди.

president.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ (COP 29)ДАГИ НУТҚИ

### Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Жаноби Олийларини бугунги тарихий Конференцияни гўзал Боку шаҳрида юксак даражада ташкил этгани билан самимий табриқлайман.

Биз Озарбайжоннинг замонавий иқлим таҳдидларига қарши курашиш йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

### Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб бормоқда, геосиёсий зиддиятлар кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, камбағалликка қарши кураш, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини кучайтирмоқда.

Буларнинг асоратларини Марказий Осиёда ўтқир хис қилмоқдамиз. Иқлим муаммолари аҳолимизнинг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқаришда янги тўсиққа айланмоқда.

Париж битими доирасидаги бош мақсадимиз – минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймай ва жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдир.

Бу борада биз Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий олиб бораёلمиз. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоизга камайтиришни режа қилганмиз. Бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтиришга тайёрмиз.

"Яшил" энергетика улушини 40 фоизгача оширамиз. Электромобиль ва "яшил" водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабларини яратаямиз. "Яшил макон" дастуримиз доирасида кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтиряймиз.

Қўшни мамлакатлар билан Минтақавий иқлим стратегиясини ҳаётга татбиқ қилмоқдамиз. Шу кунлари Европада "яшил" энергия етказиш бўйича кўп томонлама битимни имзолаймиз.

### Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда бартараф этишда ўзининг амалий ҳиссасини кенгай-

тириш ниятида.

**Биринчидан**, ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун етакчи давлатлар ва халқаро институтларнинг техник кўмагини кенгайтириш долзарбдир.

Бу борада Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этишни таклиф қиламиз.

**Иккинчидан**, трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохилма-хиллигини сақлашда ягона ёндашувлар зарур.

Минтақамиз мисолида айтиб ўтмоқчиманки, бир авлод кўз ўнгида Орол денгизининг бутунлай йўқолиши сайёрамиз миқёсидаги фожиага айланди. Шу ўринда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

**Учинчидан**, кўп томонлама етакчи тузилмалар иштирокида ўсимликларнинг иқлим ўзгаришларига чидамлигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни ишга туширишни режа қилганмиз.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар учун юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инновацион агросаноат хабини яратиш ташаббусини илгари сурамиз.

**Тўртинчидан**, иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши бўйича илғор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этишни ва унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказишни таклиф қиламиз.

**Бешинчидан**, келгуси йили 15 май – Халқаро иқлим кунини Оролбўйи минтақасида ўтказиладиган Рақамли "яшил" ташаббуслар глобал ёшлар фестивалида давлатларингиз вакилларини кўтиб қоламиз.

**Ҳурматли саммит иштирокчилари!** Ўзбекистон умумий фаровонлик ва "яшил" тараққиёт йўлида очик мулоқот ва шерикликка доим тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

president.uz



## "ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАШАББУС" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ўтказилган "Энг яхши ижтимоий ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўйича ўтди.

Мазкур танлов ўтказилишидан асосий мақсад – давлат идоралари, нодавлат сектор ҳамда фуқароларимиз томонидан ижтимоий ташаббусларни дадил илгари суриш ҳамда амалга оширилишини янада фаоллаштириш, рағбатлантиришдир.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан 12 та ҳудудда юқори натижаларга эришган, жамият ривожини йўлида ташаббус кўрсатган 50 нафар иштирокчи орасидан 5 та номинация бўйича I, II, III ўринлар аниқланди.

Танлов натижаларига кўра, "Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти" номинациясида 1-ўринни Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Семурғ" уруғчилик кластери, 2-ўринни Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Ahmedov Avtogaz Service" масъулияти чекланган жамияти ва 3-ўринни Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Hoji-zu'ha-ona" оилавий корхонаси эгаллади.

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодавлат нотижорат ташкилоти" номинациясида 1-ўринни Бухоро вилояти Бухоро тумани "Ногиронлар жамияти", 2-ўринни Жиззах вилояти "Истиқболли авлод" ижтимоий ахборот маркази ва 3-ўринни Навоий вилояти "Лидер" аёллар ва болалар маркази қўлга киритди.

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқарув органи" номинациясида 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, 2-ўринни Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва 3-ўринни Сирдарё вилояти Ёшлар ишлари агентлиги Боёвут тумани бўлими эгаллади.

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро" номинацияси бўйича 1-ўрин Сирдарё вилоятидан Адҳамжон Жўраев, 2-ўрин Хоразм вилоятидан Равшанбек Собиров ва 3-ўрин Наманган вилоятидан Муҳаммадали Қамбаровга насиб этди.

Бундан ташқари, "Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик" номинациясида 1-ўринни Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокимлиги, 2-ўринни Андижон вилояти Бўстон тумани ҳокимлиги, 3-ўринни Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимлиги эгаллади.

Кўрик-танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА.

# “МЕН ДЕПУТАТ БЎЛДИМ...”

**ШУ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРИ МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИДА МУХИМ САНАЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ. ИЛК МАРОТАБА АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР КОНСТИТУЦИОН ХУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ОВОЗ БЕРИШДИ, ЎЗЛАРИ МУНОСИБ КЎРГАН НОМЗОДЛАРНИ ДЕПУТАТЛИККА САЙЛАШДИ. БУНДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ 75 НАФАРИ БЕВОСИТА МАЖОРИТАР ТИЗИМ, ЯЪНИ, САЙЛОВЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИГА ҚЎРА, ҚОЛГАН 75 НАФАРИ ЭСА ПРОПОРЦИОНАЛ ТИЗИМ БЎЙИЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛГАН ОВОЗЛАР АСОСИДА САЙЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРОТАБА БАРЧА ДЕПУТАТЛИК ЎРИНЛАРИГА 5 ТА ПАРТИЯ ТОМОНИДАН 100 ФОИЗ НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ. ҲАР БИР ДЕПУТАТЛИК ЎРНИ УЧУН ҚИЗГИН КУРАШ БЎЛДИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛ ТАРҒИБОТ ОЛИБ БОРДИ, РАҚОБАТ КУЧАЙГАНДАН-КУЧАЙДИ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎЗ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ САЙЛОВЧИЛАРГА ЕТКАЗИШИ УЧУН КЕНГ ҲАМДА ТЕНГ ИМКОНИАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ.**

Халқ демократик партияси, албатта, ўтган сайловларда бўлгани каби бу гал ҳам ўз ғоялари билан фаол иштирок этди. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини янада оширди, мафкуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Сайлов натижаларига қўра, ягона сайлов округи бўйича партиямиз 13 та депутатлик ўрнига эга бўлди. Қонунчилик палатасига жами 20 нафар номзод депутатликка сайланди.

Қонунчилик палатасидаги 20 нафар сайланган депутатларнинг 40 фоизи аёллардан иборат бўлиб, барча 20 нафар номзод олий маълумотга эга, уларнинг 4 нафарини

хуқуқшунос, 6 нафарини иқтисодчи, 3 нафарини муҳандис, 2 нафарини тиббиёт, 4 нафарини педагог ва бир нафарини бошқа соҳа вакили ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 4 нафари фан номзоди (PhD) ва 3 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига 149 нафар ХДП депутатлари сайланган бўлса, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашига 1023 нафар депутат сайланиб, 5 та сиёсий партия орасида ХДП ўз позициясини мустаҳкамлади. Қорақалпоғистон Республи-



каси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига етарлича ўрин олиниб, депутатлик гуруҳлари тузишга эришилди.

Бу рақамлар Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, халқимизни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқишда Халқ демократик партияси катта имкониятни қўлга киритганини аниқлатади. Ва ўз ўрнида партия дастурининг халқчил эканлигини билдиради.

Парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар, албатта, биргаликда катта сиёсий куч. Бироқ, тан

олиш керакки, демократия инструментлари қўйи тизимларда яққолроқ намоён бўлади. Айнан туман ва шаҳар Кенгашиларнинг сессиялари одатда танқидий руҳда, кескин баҳслар, муросасиз тортишувлар билан ўтади.

Сайлов ўтди, муносиб номзодлар сайланди. Албатта, энди галдаги муҳим вазифа янгиликлар билан депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини самарали йўлга қўйишдир. Хўш, депутатлар бугун нималар ҳақида ўйлапти? Уларнинг айна кайфияти ҳақида нима дейиш мумкин? Режалари ҳақида-чи? Шу саволлар билан депутатларимизга мурожаат қилдик.



**Аиша РУЙДИНОВА, Бектемир туман Кенгашига 18-Баркамол сайлов округидан сайланган депутат:**

– Ёшлигимдан сиёсатга қизиқардим. Катта минбарларда туриб гапирётган сиёсатчиларга ҳавас қилардим. Бу қизиқиш мени журналистика томон етаклади. Бир неча йилдан буён “Менинг юртим” телеканалда фаолият юритаман. Журналистик фаолиятимда ижтимоий-сиёсий соҳани кўпроқ ёритдим.

Қалбан одамлар томон ошиқардим, улар билан елкама-елка туришга, муаммолари ҳақида гапирришга ҳаракат қилганман. Қизиқишим, мақсадларим мени депутатлик томон етаклади. Катта умид ва ишонч билан номзодимни қўйдим ва сайловчилар танловига қўра, халқ депутатлари Бектемир туман кенгашига ЎзХДПдан депутат бўлдим.

Биласизми, ҳозир ич-ичимдан ҳам қувоняпман, ҳам зиммамда катта масъулият турганини ҳис қиляпман. Бу орқали ўзимда енгилмас жўшқинликни, кучни сезяпман. Журналист, депутат сифатида халқ корига ярашдек имкониятга эга бўлганимдан фахрланиб, кўнглим тўлиб-тошиб кетади. Режаларим жуда катта.

Фаолиятим давомида аҳолининг турли қатлами билан учрашиб, уларнинг қизиқишлари, ўй-хаёллари ва хоҳиш-истакларини ўргандим. Натижада жамиятда ижтимоий масалалар устуворлик касб этишига яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, ижтимоий заиф қатлам, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар дарагини тинглаб, уларга ечим топиш керак, деган хулосага келдим. Пенсияерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали аёллар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари манфаатлари қонунчилигимизда батафсил акс этишида ташаббускор бўлиш ниятидаман.

Яқинда халқ депутатлари туман Кенгашининг илк сессиясини ўтказдик. Туманимиздаги фаоллар, депутатларнинг қатъиятини, шижоати ва ғайратини кўриб, биз ҳам куч олдик. Ҳудудимизда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг самарали ҳал қилинишида бизга ишонч билдирилди. Энди халқимиз ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.



**Хуршида ЯХШИЕВА, Муборак туман Кенгашига 9-Сарк Сайлов округидан сайланган депутат:**

– 2016 йилда Қарши давлат университетининг инглиз тили йўналишини тамомладим. Илк фаолиятимни мактабда ўқитувчи сифатида бошладим. Ҳозир Муборак туманидаги 13-мактабга таълим ташкилоти директори вазифасида ишлайман.

Маҳалламизда бўладиган сайловолди тадбирларда, депутатлар билан учрашувларда

кўп қатнашардим. Депутатликка қизиқишим ўша пайтлари бошланган. Бошида ҳали ёшман, эглай оламани, депутатлик ортида катта масъулият, сайловчи олдида бурчли ва ҳисобдор бўлиш вазифаси турибди, деб бироз чўчидим. Аммо ич-ичимдан депутат бўлиш иштиёқи, истаги жуда кучли бўлган. Ишга бораётганимда йўл-йўлакай муаммоларга кўзим тушса, депутат бўлсам, шу муаммони бартараф этаман, деб ўйлардим. Қаранг, хоҳиш кучли, ният холис бўлган экан, иккиликни енгим, депутатликка номзодимни қўйдим. Энг муҳими, менга сайловчилар ишонч билдиришди.

5 йиллик дастуриимизда сайловчиларимиз манфаатларини таъминлашга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, ўз бизнесини бошлаш ниятида юрган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларга шароит яратиш, кам таъминланган оилалар фарзандларини олий таълимга кенг жалб этиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини ошириш, эҳтиёжманд қатламларнинг манфаатлари ва ахлоқий қарашларига таъсир кўрсатадиган ортиқча харажатларнинг олдини олиш ҳам муҳим. Яъни, никоҳ тўйлари, юбилейлар, дафн маросимлари ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишда ортиқча харажатлардан, дабдабалардан тийилиш, бу борада тарихан шакланган маданий қадриятлар ва анъаналаримизнинг асл мазмуни ҳамда аҳамиятига доир тарғибот ишлари самарадорлигини оширишни режалаштирдик.



**Нортожи РАХМАНБЕРДИЕВА, Чирчиқ шаҳар Кенгашига 24-Шарқ сайлов округидан сайланган депутат:**

– Чирчиқ шаҳрида 174 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 105 мингдан кўпроги сайлов жараёнларида фаол қатнашди. Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашига Ўзбекистон ХДПдан 6 нафар депутат сайланди. Яқинда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлар ишчи гуруҳи шаклланди ва тасдиқланди.

Менинг номзодим Чирчиқ шаҳридаги 24-Шарқ сайлов округидан қўйилди. Партия мени халққа танитди. Депутат бўлдим, аслида бу энг

катта шараф. Чунки кўпчилиқнинг, халқнинг меҳрини, ишончини қозониш – бу катта бахт.

Биламизки, партиямиз ўз дастурий мақсадларини, аввало, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари доирасида давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди. Сайлов кампанияси даврида мен сайловчиларим билан учрашувда партиямизнинг Сайловолди дастуридаги эзгу ташаббус-тақлифларини етказишга ҳаракат қилдим. Ўз навбатида бу учрашувлардан катта руҳ, мотивация олдим. Одамларимиз ислохотларга бефарқ эмаслигини яна бир бора англадим. Фуқароларимизда сиёсий онг юксалган, сиёсий маданият анча ўсган, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши билади. Улар берадиган саволлар бизни ўйлантириб қўйган пайтлар ҳам бўлди. Бу нимани аниқлатади? Бизни ана шундай фаол, дунёқарши кенг сайловчилар сайлади, демак, шунга муносиб бўлишимиз керак. Биз уларнинг олдида ҳисобдоримиз, ёруғ юз билан сайловчилар ҳузурига бориш учун ишни бугундан, кечиктирмасдан бошлаш керак.

Фикримча, жамиятда барқарорликни сақлаш учун ижтимоий кескинликни юзага келтириши мумкин бўлган муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий-иқтисодий вазиятни ва электрот қайфиятини тизимли мониторинг қилиб борадиган маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари бу механизмнинг муҳим таркибий қисмлари бўлиши лозим.

Мен ҳам ўз депутатлик фаолиятимда билимим, кўп йиллик тажрибамдан фойдаланган ҳолда сайловчиларимни ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимояси йўлида виждонан хизмат қиламан.

\*\*\*

Очиғи, бугун одамларимизга, жамиятимизга кучли парламент, кучли Кенгашилар керак. Одамларни ўз ордидан эргаштириб, катта ва эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир, дадил парламент ва маҳаллий вакиллик органига эҳтиёж бор. Демократиянинг энг муҳим талаби ҳам шу аслида. Чунки бусиз жамият ҳам, одамлар ҳам ўзгарishi қийин.

Маҳаллий Кенгашилар ҳаётига назар ташласангиз, улардаги шароит, муҳит, иш тартиби аввалгисидан ўзгарганини кўрасиз. Янги демократик шароитда ишлаётган депутатларнинг дунёқарши, фикри ҳам кечагидек эмас. Энг муҳими, янги таркибдаги депутатлар сиёсий майдонга кучга тўлган, шижоати баланд ҳолда, халқчил сиёсий платформаси такомиллашган ҳолда кириб келмоқда. Бу ўз натижасини кўрсатади, деган умиддамиз!

**Лазиза ШЕРОВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



**Алмахон САДЕКОВА, Қўнғирот туман Кенгашига 9-Туркистан сайлов округидан сайланган депутат:**

– Бу йилги сайловларда иккинчи маротаба депутат бўлдим. Бундан аввалги сайловда ҳам худди шу округдан сайланган эдим. Албатта, бу одамларимизнинг менга нисбатан ишончи баландлигини аниқлатади.

Мустақил ҳаёт остонасида кела-жагим ҳақида кўп иккиланардим. Спортчи бўлолмайман, санъатга, маданиятга қобилиятим йўқ. Аммо болалигимдан ён-атрофдаги ўзгаришларга, инсонлар, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси кучли бўлган. Мени депутатликка етаклаган нарса шу, десам ҳам бўлади.

Депутат бўлиб, худудимиздаги муаммоларни ҳал қилиш, одам-

ларимизни ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қилдим. Энг муҳими, бу ишдан завқланардим. Айниқса, қандайдир муаммони ҳал қила олсак, одамларнинг қувончи менга янада куч, янада рағбат берарди. Бу орқали озгина бўлса-да, электрот олдидаги мажбуриятимни бажардим, дея ички хотиржамликни туярдим.

Бундан аввалги депутатлик гуруҳимиз билан аҳоли бандлигини таъминлаш, тез тиббий ёрдамдан фойдаланиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, кам даромадли оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ташаббуслар билан чиқдик.

Шу каби эзгу ишларимиз ва амалий ташаббусларимиз яна давом этади. Депутатликка сайландим, электротимиз, сайловчиларим манфаати учун қаттиқ бел боғлаб ишга киришдим. Масалан, кам таъминланган оилалар аъзолари, жумладан, ишсизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлар, аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги ҳамда касаначиликни давлат ва давлат-хусусий шериклик асосида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Агар улар ўз ишини йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаига эга бўлса, ижтимоий ҳимоя учун бюджетдан пул ажратишга ҳожат қолмайди. Аксинча, уларнинг ўзи тараққиётга ҳисса қўшувчига айланади. Бу аҳоли ўртасида боқимандаликни йўқотишга хизмат қилади.

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлигига партия  
рўйхати бўйича сайланганлар**ИНОЯТОВ УЛУҒБЕК  
ИЛЯСОВИЧ**

1962 йил 6 августда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1985 йили Тошкент политехника институтини, 1998 йили Тошкент молия институтини тамомлаган. Иختисослиги – муҳандис-иқтисодчи, педагогика фанлари доктори, профессор.  
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда.  
2006 йилда “Шухрат” медали ва 2023 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**ИСМОИЛОВ НУРИДДИН  
МЎЙДИНХОНОВИЧ**

1959 йил 20 январда Наманган вилояти, Учқўрғон туманида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1980 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Иختисослиги – ҳуқуқшунос, юридик фанлари номзоди.  
2015 йилдан Қонунчилик палатаси Спикери вазифасида ишлаб келмоқда.  
1999 йилда “Шухрат” медали, 2004 йилда “Дўстлик” ордени, 2011 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**МАМАДЖАНОВА  
ДИЛБАРХОН РАХМАТОВНА**

1967 йил 13 октябрда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1990 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаган. Иختисослиги – муҳандис-электрик.  
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.  
2018 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**ИМИНОВ ОДИЛЖОН  
КАРИМОВИЧ**

1963 йил 7 декабрда Андижон вилояти Андижон туманида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1986 йилда Андижон қишлоқ хўжалик институтини, 1997 йилда Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институтини, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини, 2004 йилда Маасстрихт менежмент мактаби (Голландия)ни тамомлаган.  
Иختисослиги – муҳандис, иқтисодчи, давлат ва жамият қурилиши, бизнес бошқаруви. Иқтисод фанлари доктори, профессор.  
2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.  
2020 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**АЧИЛОВ ЖАМОЛ  
АЛИШЕРОВИЧ**

1982 йил 3 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
2002 йилда Тошкент давлат юридик институти, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган.  
Иختисослиги – ҳуқуқшунос, давлат ва жамият қурилиши магистри. 1-даражали адлия маслаҳатчиси (адлия), адлия катта маслаҳатчиси (прокуратура).  
2023 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қотибияти Назорат ва ижро интизоми бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**ШАДИЕВА ЗУХРА  
ТУРСУНОВНА**

1973 йил 14 январда Тошкент шаҳрида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1996 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, 2016 йилда Лондон шаҳридаги Метрополитен университети магистратурасини (Буюк Британия) тамомлаган.  
Иختисослиги – халқаро иқтисодий муносабатлар, давлат бошқаруви. Иқтисод фанлари номзоди, доцент.  
2021 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**ТУРСУНОВ ИМОМНАЗАР  
ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

1964 йил 5 ноябрда Қашқадарё вилояти, Касби туманида туғилган.  
Миллати – тожик. Маълумоти – олий.  
1989 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Иختисослиги – муҳандис-гидротехник. Иқтисод фанлари номзоди, профессор.  
2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Тожик миллий маданий маркази Қашқадарё вилояти бўлими раиси, 2024 йилдан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти бизнес ва инновацион менежмент профессори вазифасида ишлаб келмоқда.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.

**АКРОМОВА ЗУЛАЙХО  
АБДУРАЗОҚОВНА**

1970 йил 15 сентябрда Жиззах вилояти, Бахмал туманида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1992 йилда Жиззах давлат педагогика институтини, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини (магистратура) тамомлаган. Иختисослиги – педагогика ва бошланғич таълим методикаси фани ўқитувчиси, Халқаро муносабатлар.  
2020 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.  
2020 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлигига партия  
рўйхати бўйича сайланганлар**



**ШЕРМАТОВ УЛУҒБЕК  
УБАЙДУЛЛАЕВИЧ**

1978 йили 2 февралда Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
2000 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини, 2003 йилда Йокогама миллий университетини (Япония), 2010 йилда Мейжи университетини (Япония) тамомлаган.  
Ихтисослиги – ҳуқуқшунос. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).  
2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси бош консультанти вазифасида ишлаб келмоқда.  
2021 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.



**НУРМАТОВ АНВАРЖОН  
АБДУЛҲАМИДОВИЧ**

1987 йил 6 мартда Андижон вилояти, Андижон шаҳрида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
2008 йилда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтини тамомлаган.  
Ихтисослиги – муҳандис (автомобиль транспорти), Иқтисодиёт (соҳалар бўйича).  
2024 йилдан Андижон вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Бош бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.



**ТОКАРЕВА ИРИНА  
АЛЕКСАНДРОВНА**

1966 йил 9 январда Тошкент шаҳрида туғилган.  
Миллати – рус. Маълумоти – олий.  
1988 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – немис тили ва адабиёти.  
2009 йилдан Юнусobod туманидаги 259-сонли мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда.  
2012 йилда Халқ таълими аълочили кўкрак нишони, 2020 йилда “II даражали Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланган.  
Оилали, икки нафар фарзанди бор.



**ИМАМОВА САЙРА  
ЯКУББАЕВНА**

1970 йил 31 июлда Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний туманида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
1994 йилда Тошкент давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган.  
Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.  
2013 йилдан Беруний туманидаги 59-сонли мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда.  
Қорақолпоғистон Республикаси “Халқ таълими аълочили” унвони билан тақдирланган.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.



**АХМЕДОВ ШОКИРЖОН  
АБДУХАЛИЛОВИЧ**

1980 йил 25 февралда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида туғилган.  
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.  
2002 йилда Республика Бизнес мактаби, 2008 йилда Фарғона давлат университети, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – молия агенти, иқтисодчи, давлат бошқаруви.  
2024 йилдан Фарғона шаҳар “HYPER ELECTRONIC” масъулияти чекланган жамияти молиявий масалалар бўйича директори вазифасида ишлаб келмоқда.  
Оилали, уч нафар фарзанди бор.





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан бир мандатли сайлов округлари бўйича сайланганлар



### УРАЗАЛИЕВА МУКАДАС УКТАМОВНА

18-Жиззах вилояти сайлов округидан

1974 йили 20 февралда Жиззах вилояти, Зомин туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1996 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – педиатр.

2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

### НАРИЗОВА ИБА КУШЖАНОВНА

20-Навоий вилояти сайлов округидан

1961 йили 1 январда Навоий вилояти Конимех туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1985 йилда Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги – қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

2000 йилдан Конимех тумани 5-сон умумий ўрта таълим мактаби директори вазифасида ишлаб келмоқда.

2010 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени ҳамда 2019 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

### ТЕМИРОВ АНВАРХОН АБДУЛАЗИЗХОНОВИЧ

23-Наманган вилояти сайлов округидан

1989 йили 27 мартда Наманган вилояти Косонсой туманида туғилган. Миллати – тожик. Маълумоти – олий.

2010 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи.

2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

### ШАРИПОВ ФИРДАВС ХОЛНАЗАРОВИЧ

42-Сурхондарё сайлов округидан

1983 йил 7 сентябрда Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида туғилган.

Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

2007 йилда Термиз давлат университетини, 2024 йилда Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Ихтисослиги – миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати.

2021 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, 2023 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Оилали, уч нафар фарзанди бор.



### КАСИМОВА КИЗИЛГУЛ ЭРМАТОВНА

45-Тошкент вилояти сайлов округидан

1963 йил 1 ноябрда Тошкент вилояти Пискент туманида туғилган.

Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1987 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – шифокор.

2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.

2023 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

### ЗОХИДОВ ЗОКИРЖОН ТУХТАСИНОВИЧ

54-Фарғона сайлов округидан

1962 йил 25 октябрда Фарғона вилояти, Риштон туманида туғилган.

Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1984 йилда Киев муҳандис-қурилиш институтини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-технолог.

2020 йилдан Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.

### НАЗАРОВ ШАРОФИДДИН ХАКИМОВИЧ

64-Қашқадарё сайлов округидан

1960 йил 12 мартда Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманида туғилган.

Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.

1985 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги – халқ хўжалигини режалаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

2021 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Оилали, беш нафар фарзанди бор.



## МУНОСАБАТ



**Наримон ДЕҲҚОНОВ,**  
Наманган давлат университети  
проректори:

— Жаҳон жамоатчилиги 5-6 ноябрь кунлари қўшни Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси тадбирларини диққат билан кузатди. Мазкур нуфузли тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Маълумки, ушбу саммитда туркий давлатлар ўртасида сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармонлик алмашинувларини рағбатлантириш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги йилларда Қирғизистонда сиёсий-ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани, замонавий sanoat ва инфратузилма объектлари барпо

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДА ТАШАББУС КЎРСАТМОҚДА

этилатгани, давлатнинг халқаро обрўси ва нуфузи ошаётгани яқин қардош сифатида Ўзбекистонликларни чексиз қувонтиришини таъкидлади.

Айтиб ўтилганидек, ТДТ Давлат раҳбарларининг Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувларидан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мурраккаб тус олди. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучайиб, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайгани, турли хавф-хатарлар ортаётгани хавотирли.

Тинчликпарвар Ўзбекистон раҳбари Яқин Шарқда давом этаётган адолатсиз урушни қоралар экан, бу борада ягона ечим – халқаро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ, 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини тузишдан иборат эканини баён этиб ўтди. Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда эса амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб этиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилиши заруратига ургу берилди.

Президентимиз туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама

кучайтириш борасида бир қатор устувор йўналишларни санаб ўтди. “Биз Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиги тўғрисидаги шартномани қабул қилишни таклиф этамиз. Ўйлайманки, ушбу кенг қамровли ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши тузилмавий фаолиятини янада юксак сиёсий поғонага кўтаради”, деди давлатимиз раҳбари. Ташкилот доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш бўйича Ўзбекистон ниятининг қатъийлиги, бугунги оғир глобал иқтисодий шароитда энг долзарб муаммо – бу инвестиция жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш экани, транспорт коридорларидан самарали фойдаланиш, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир экологик муаммоларга ечимлар топиш мақсадида вазирлар даражасидаги Туркий экологик кенгаши тезроқ тузиш муҳимлиги келтириб ўтилди.

Президентимиз ўз нутқида миллатлараро маданий алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича ҳам қатор таклифларни билдирди. Қардош халқларни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларни аждоқларга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини

аъзо мамлакатлар тилларида нашр этиш, бу борада “Туркий мамлакатлар тарихи” каби фундаментал тадқиқотларни биргаликда яратиш шулар жумласидандир.

Ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорлик шиддат билан ўзгараётган дунёда турли таҳдид ва янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, алоқаларни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратиши ҳамда саммит натижалари Туркий цивилизацияни юксалтириш борасидаги улкан режаларга муносиб ҳисса қўшиши қайд этилди.

Президентимизнинг нутқида келтирилган мана шундай таклиф-ташаббуслар бугун нақадар ҳаётий зарурат эканини кўриб-билиб, ҳис қилиб туришимиз.

Шуниси аниқки, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида азалий қардошлиқни мустаҳкамлаш баробарида глобал ва минтақавий муаммолар бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни кучайтириш, иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни, илм-фан, санъат ва маданият соҳасида ҳамда туркий тилли дунёнинг моддий, маънавий маданиятини асраш ва янада ривожлантириш борасида ҳамкорликни юқори савияга кўтариш доимий эътиборда бўлиб қолади. Туркий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш эса Янги Ўзбекистон ташкили сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН БИНОЛАРИ УЧУН ТОЗА ЭНЕРГИЯ



**Пойтахтимизда Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқларо энергияни тежаш жағнамаси томонидан Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган “Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” лойиҳаси доирасида амалий семинар ташкил этилди.**

– Лойиҳа доирасида ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича эълон қилинган тендерларда қатнашиш шартлари, тартиби ҳамда тендер ҳужжатларини тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги қурилиш, лойиҳалаштириш ва энергия аудит фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар мутахассисларига батафсил тушунтирилди, – дейди Тармоқларо энергия тежаш жағнамаси ижрочи директори Элзод Раҳмонов. – Зеро, айни лойиҳа доирасида ўтган вақт давомида Қорақалпоғистон Республикасида 49 та, Тошкент вилоятида 44 та, Хоразм вилоятида 41 та ва Жиззах вилоятида 49 та объектада экспресс-энергоаудит ўтказилди ва 51 та объектнинг энергоаудит



ҳисоботлари тасдиқланди. Шунингдек, 5 та лотдан иборат 31 та бино бўйича тендерлар эълон қилинди. Йил якунига қадар яна 40 дан зиёд тендер ўтказилиши режалаштирилган.

Семинарда “Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” лойиҳаси гуруҳ раҳбари Йилдирим Туркел маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, лойиҳа орқали бутун мамлакат бўйлаб қишлоқ ва шаҳарларда жойлашган таълим-тарбия ва тиббий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалиётлар молиялаштирилади. Шу билан бирга ижтимоий соҳа объектларини танлаш, инвестиция даражасидаги энергия аудити, энергия тежамкор дизайн, техник назорат, қурилиш, ишга тушириш, ўлчаш ва текшириш, энергия хизмати бўйича шартномалар, мавжуд салоҳиятни ошириш ва техник ёрдамни ўз ичига олади.

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича одатий чора-тадбирлар орқали бино иситиш ва совутиш тизимлари замонавий технологиялар билан янгиланади, мавсумий барқарор электр ҳамда иссиқлик энергияси билан ўзини ўзи таъминлаш имконияти яратилади. Бинонинг


иссиқлик изоляцияси, ёритиш тизимлари яхшиланади. Кўмир қозонлари эса қуёш панеллари каби қайта тикланадиган энергия манбаларига алмаштирилади.

Семинарда лойиҳанинг муҳандислик-дизайн, қурилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий, саломатлик ва хавфсизлик борасидаги аҳамияти ҳақида соҳа ходимлари фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Маълумот учун. 2022 йил 24 июнда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро ривожланиш уюмаси директорлари кенгаши томонидан “Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 143,0 миллион АҚШ доллари миқдорда узоқ муддатли қарз маблағларини ажратиш юзасидан қарор қабул қилинган.

“Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” лойиҳаси республиканинг барча ҳудудларида 2023-2028 йиллар мобайнида амалиётга йўналтирилади. Бу даврда 800 дан зиёд ижтимоий соҳа объекти модернизация ва реконструкция қилинади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



## ОКТАБР ОЙИДА ҒЎШТ ВА СУТ НАРХИ КЕСКИН ОШДИ

**МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА, ЖОРИЙ ЙИЛ ОКТАБР ОЙИДА АҲОЛИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (ШАХСИЙ) ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ ЯНА 0,2 ФОИЗ ДАРАЖАГА, ЯЪНИ, 13,2 ФОИЗГАЧА КАМАЙГАН. БУ КЎРСАТКИЧ ЎТГАН ОЙДАГИ 10,24 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН РАСМИЙ ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИДАН ЮҚОРИДИР.**

Аслини олганда, инфляциянинг расмий эълон қилинадиган даражаси аксарият уй ҳўжалиқларининг талаблари асосида шакллантирилиб, ўзида истеъмол саватидаги барча товар ва хизматларнинг умумий нарх даражасининг ўзгаришини акс эттиради. Шахсий (ўзингиз сезадиган) инфляция ўзингиз ёки оилангиз кундалик ҳаётида истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши асосида шаклланади. Агар мунтазам равишда сотиб оладиган товарнинг нархи ошиб кетса, унинг нархи кундалик ҳаётда камдан-кам сотиб оладиган товарнинг нархидан кўра кўпроқ ўсгандек туюлади. Шундай қилиб, ҳар бир оила ўзининг шахсий (оилавий) истеъмол саватига эга бўлса-да, ушбу истеъмол савати умумий, мамлакат учун ҳисобланадиган истеъмол саватидан табиий равишда фарқланади.

Марказий банк хабарига респондентларнинг сентябрь-октябрь ойларида қайси товар ва хизматлар энг кўп қимматлашгани ҳақидаги жавоблари келтирилган. Жумладан, қўшниқ иккинчи ойида ғўшт ва сут нархи кескин ошгани ҳақида хабар берган респондентларнинг улуши юқори даражада сақланиб қолди – 51 фоиз (сентябрда 56 фоиз). Бензин ва ёқилғи (пропан, метан) нархларининг ошганини кўрсатган респондентларнинг улуши бироз пасайди – 39 фоиздан 37 фоизга, шунингдек, дори воситалари 29 фоиздан 28 фоизга тушди.

Шу билан бирга электр энергияси ва газ нархи ошгани ҳақида хабар берган респондентлар улуши 35 фоизга (34 фоиздан) етди. Ўсимлик ёғи, сабзавот ва мевалар ҳам қимматлаганини билдирганлар ҳам нисбатан кўпайди.

Эслатиб ўтамиз, Статистика агентлиги маълумотларига кўра, октябрь ойида ғўшт нархининг ўсиши секинлашди: сўякли мол ғўшти 0,8 фоизга (сентябрда 3,1 фоиз, августда 5,3 фоиз), қўй ғўшти эса 1,2 фоизга (сентябрда 2,8 фоиз, августда 4,9 фоиз) ошган.

Худудлар кесимида ўтган ойда сезилган инфляциянинг энг юқори даражаси Андижон вилоятида – 15 фоиз (сентябрда – 14,6 фоиз), шунингдек, Тошкент вилоятида – 14,7 фоиз (13,5 фоиз) ва Қашқадарё вилоятида – 14,2 фоиз (13 фоиз) бўлди.

Нархларнинг энг кам ўсиши Қорақалпоғистон – 10,9 фоиз (12,5 фоиз), Бухоро вилояти – 11,6 фоиз (13,9 фоиз) ва Навоий вилояти – 11,7 фоиз (12,3 фоиз) аҳолисида сезилди.

Даромади ойига 15 миллион сўмдан юқори бўлган резидентлар учун инфляция даражаси 15,4 фоиздан 13,8 фоизга, даромади 10-15 миллион сўм бўлган резидентлар учун 15,1 фоиздан 13,5 фоизга камайган. Сўмлик даромади 7-10 миллион сўм бўлган респондентлар орасида бу кўрсаткич 14 фоиздан 14,1 фоизга ошган. Даромадлари 2-3 миллион сўм бўлган аҳоли 13 фоиз (13,7 фоиз), даромадга эга бўлмаганлар эса 13,8 фоиз (12,7 фоиз) даражасида инфляцияни бошдан кечирган.

**Тоштемир МУРОД.**

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Саҳна нутқи” кафедрасига кафедра мудири (1). “Муסיқали театр санъати” кафедрасига доцент (1). “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасига доцент (1). “Қўғирчоқ театри санъати” кафедрасига профессор (1). “Фольклор ва этнография” кафедрасига доцент (1). “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасига доцент (1). “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига профессор (1), ўқитувчи (1). “Вокал” кафедрасига доцент (1). “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасига доцент (1). “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедрасига доцент (1). “Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги” кафедрасига доцент (1). “Маданият ва санъат менежменти” кафедрасига профессор (1), доцент (1). “Ижтимоий-гуманитар ва педагогика” кафедрасига доцент (1). “Ахборот технологиялари” кафедрасига доцент (1). “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига ўқитувчи (1). “Кутубхона-ахборот фаолияти” кафедрасига ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза
  2. Ишловчининг шахсий варақаси
  3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари
  4. Паспорт ёки ID нусхаси
  5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда)
  6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
  7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
- Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 “а” уй.  
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihididdin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toشتهмир XUDOYQULOV

Бoш муһаррир: То‘иқин ТО‘РАХОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1037. 3271 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda